

## ВИКТОРИАН АДИБА ШАРЛОТТА БРОНТЕ ИЖОДИДА ҚУШ РАМЗИНИНГ ТАСВИРЛАНИШИ

Хулкар Мухаммедова

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

hulkar\_m@yahoo.com

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақоламизда Англия қироличаси Виктория (1837-1901) хукмдорлик қилган даврда ижод қилган адиба Шарлотта Бронте ижоди таҳлил этилган. Инглиз адабиётида Шарлотта Бронте ижоди кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилганлигига қарамай тадқиқотлар ҳануз олиб борилмоқда. Адибанинг жаҳон адабиётининг классик намунаси сифатида эътироф этилган асарлари бугунги кунда ҳам китобхонлар томонидан мутоола қилинмоқда. Шарлотта Бронте ижоди рамзлар тасвирига жуда бойдир. Хусусан “Жейн Эйр” асарида қуш рамзлари жуда кўп учрайди. Бир тарафдан ёзувчи қушларни табиат манзарасида тасвирласа, иккинчи тарафдан қахрамон характери очиқ беришда маҳорат билан фойдаланган.

**Калит сўзлар:** викториан адиба, рамз, қуш, асар, характер, табиат, тасвир

### THE SYMBOL OF A BIRD IN THE NOVELS OF VICTORIAN WRITER CHARLOTTE BRONTE

#### ABSTRACT

This article focused on the works of Charlotte Bronte in Victorian period in English literature. Despite the fact that the work of Charlotte Bronte in English literature has been studied by many researchers, even today studies are still being conducted. Her works, considered as a classic example of world literature, and novels are reading today by readers. Charlotte Bronte's novels are very rich image of symbols. In particular, the bird symbols in the work "Jane Eyre" pretty much described. On the one hand, the writer skillfully used the symbols of birds to reveal the image of bird in the landscape of nature, and the character of the hero.

**Keywords:** Victorian writer, symbol, bird, novel, character, nature, description

## КИРИШ

Жаҳон адабиётида рамзларни тасвирлаш услуби жуда кўп адиб ва адибалар ижодида учрайди. Ёзувчилар рамзларни турли услублар билан тасвирлайдилар. Рамз бу имо, ишора ва имлаш маъносини англатиб, кўчим турларидан биридир. У фақат шартли равишда ва матн доирасида кўчма маъно касб этувчи сўз ёки сўз бирикмаси, образлилик туридир. Хусусан инглиз адабаси Шарлотта Бронте ижоди рамзлар тасвирига жуда бой ҳисобланади. Шарлотта Бронте Англиянинг Йоркшир графлиги Торнтонда 1816 йилнинг 21 парелида таваллуд топган. Адибанинг “Ўқитувчи” (The Professor 1845), “Жейн Эйр” (Jane Eyre 1847), “Ширли” (Shirley 1848), “Виллет” (Villette 1852) каби йирик асарлари ва битта тугалланмаган “Эмма” (Emma) асари мерос бўлиб қолди. Шарлотта Бронте ўз асарларида рамзлардан унумли фойдаланибгина қолмай улардан маҳорат билан тасвирлай олган. “Жейн Эйр” асарида қушлар рамзларидан унумли тасвирлаш услуби Томас Бэвикнинг икки томли “Британия қушлари тарихи” асари билан узвий боғлиқдир. Адиба британия қуш турларини ўзида мужассам этган юздан ортиқ орнитологияга оид адабиётлардан фойдаланган. Ёзувчининг учта “Жейн Эйр”, “Ширли”, “Виллета” асарларида қуш рамзларини акс эттиради. Хусусан, “Жейн Эйр”да жаноб Рочестер “аслзода бургут” бўлса, Жейн “чумчук”қа қиёсланади. “Ширли” , “Виллета” асарларида эса олтмиш бешта орнитологик рамзлар учрайди. Дастлаб қушлар табиат тасвирларида намоён бўлса, қуш рамзлари эса асар таъсирчанлигини кучайтиришга хизмат қилади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шарлотта Бронте ижоди юзасидан олиб борилган тадқиқотларнинг салмоғи жуда каттадир. Инглиззабон тадқиқотчилар олиб борган тадқиқотларда адиба ижоди биографик метод асосида таҳлил этилган. Ёзувчининг ҳаётини ўрганишда Элизабет Гаскеллнинг 1857 йилда ёзган “Шарлотта Бронтенинг ҳаёти ва ижоди - The Life of Charlotte Bronte” асари шубҳасиз катта аҳамият касб этади. Мазкур китоб ҳозирги кунгача адиба ҳаётини ўрганишдаги илк фундаментал ва фактларга бой тадқиқот ҳисобланади. Э.Гаскелл Ш.Бронтенинг яқин дугоналаридан бўлиб, улар тез-тез хатлар ёзишиб туришган. Мана шу сабаб айнан Э.Гаскелл адибанинг ҳаётини том маънода чуқур очиб бера олган. Э.Гаскелл асарида шахсий хатлар, кундалик, Бронтелар оиласининг дўстлари хотиралари каби ҳақиқий хужжатлардан жуда унумли фойдалана олган. Бу асарнинг илмий қийматини кўрсата оладиган далилдир.

Асарда Э.Гаскелл Бронтелар оиласини бутун тафсилотлари билан батафсил ҳикоя қилади. Оила тарихини ирландларга бориб тақалувчи катта боболаридан бошлайди. Э.Гаскелл Патрик Бронте фарзандларига табиат ато этган ноёб истеъдодни очиб беришга уринади. Муаллиф асосий эътиборни опа-сингил ва аканинг кўп вақтларини уйда ўтказганлигига батафсил тарзда қаратади. Э.Гаскелл опа-сингил Бронтелар истеъдоди айнан тақдир томонидан берилган ноёб тухфа уларда жуда кучли ва ўзига хос равишда ривожланганлигини таъкидлайди.

Опа-сингил Бронтелар биографиясини ўрганган ва янги тадқиқотларга йўл очиб беришга хизмат қилувчи В.Райтнинг “The Brontes in Ireland: Or, Facts stranger than fiction – Бронтелар Ирландияда ёки фактлар, хайратли фантазия” номли монографиясидир. Ўз монографиясида муаллиф оила биографиясини Бронтелар оиласига алоқадор турли тарихий фактлар орқали ёритиб беришга ҳаракат қилади.

XX-XXI асрларда бундай тадқиқотлар салмоғи янада ортди. Жумладан К. Шортер, В. Вульф, Е. Бенсон, Т.Вайс, Р.Вилсон ва кўплаб тадқиқотчилар кабилар тадқиқот олиб бордилар.

Монографиялар билан бирга тадқиқотчилар изланишларини акс эттирган тўпламлар ҳам яратилади. Я.Грегор ношири томонидан нашр этилган “A Collection of Critical Essays – Танқидий мақолалар тўплами”, Ж.Онейл ноширлигида “Critics on Charlotte and Emily Bronte – Шарлот ва Эмили Бронте ҳақида танқид” тўпламлари бунга яққол мисол бўла олади. Турли йилларда яратилган катта ҳажмдаги тадқиқотлар мана шу шаклда опа-сингил Бронтелар ижоди ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

XX-XXI аср инглизбон тадқиқотчилари Бронтелар ижодини турли ёндашувлар асосида ўрганишга уринишди. XIX ва XX-XXI асрларда адабиётшунослар олиб борган тадқиқотлар натижаси Шарлотта Бронте ижодини асосан биографик аспектда очиб берилганлигини кўрсатади.

## **НАТИЖАЛАР**

Тадқиқотчи Ж.В.Штедманнинг “Ш.Бронте ва Бэвикнинг “Британия қушлари” асари адиба ижодида орнитологик рамзлар мавжудлигини кўрсатади. Аҳамиятга молик тарафи шунда эдики, юқорида таъкидланган “Британия қушлари” асари ёзувчининг севимли китобларидан бўлган. “Жейн Эйр” асарининг илк саҳифасида айнан мана шу асар тилга олинади. Жейн қушлар мотивини асарнинг илк саҳифасида уларни таништиришдан бошлайди: “ -

Бэвикдан чексиз миннатдорман, мен жуда бахтлиман, ўз ҳаётимдан мамнунман” деб ҳикоя қилади. Шарлотта Бронте асарларида қуш рамзлари қуйидаги кўринишда ифода этилган:

1. Қушлар табиат тасвирларида намоён бўлиши;
2. Қуш рамзлари инсон характери ифодаловчи восита сифатида;
3. Қушлар бахт, муҳаббат ва ишончни ифода этувчи восита сифатида акс этади.

“Жейн Эйр” асарида қуш рамзи эркак ва аёл ўртасидаги муносабатни ифода этади. Бундай хусусият адибанинг қолган икки асарида деярли учрамайди. Адабиётшунос К.Тиллотсон адибанинг асарларида рамзларни қисман таҳлил қилади, аммо у қуш рамзларини эътибордан четда қолдирган.

Асарнинг бош қаҳрамони Жейн болалигида хурсанд қилган икки нарса бири бу чинни тарелкага жаннат қушлари тасвирини чизиш бўлса, иккинчиси мана шу чиннига безак беришда ортирган тажрибаси бўлганлигини ҳикоя қилади. Мана шу икки нарса Гэйтсхедда рўй берган илк хурсандчилик онлари эди. Жейннинг жияни бўлган Жон унга ҳам руҳан ҳам жисмонан азоб берарди. Жон Жейнни ҳақорат қилар ва бунга унинг синглиси Жоржиана ҳам қўшиларди. Иккаласининг олдида у нимжон ва кичкина эди. У Ловуд қизлар мактабига йўл олар экан, ўзига назар ташлаб: “*attraction in the spectacle of a hungry robin - спектаклда ўзига жалб қилувчи оч ва нимжон тоғчумчуги*” деб ўзини ҳис қилади [1.30]. Торнфилдга гувернантка сифатида ишга таклиф қилинган Жейнга жаноб Рочестер “*a curious sort of bird - ғалати қуш тури*” [1.133] деб баҳо беради. Торнфилдга келиб қасрни айланар экан Жейн учинчи қаватда жойлашган ётоқхона деворига илинган расмни қуйидагича: “*old English hangings crusted with thick work, portraying effigies of strange flowers and stranger birds - эски инглиз услубида ишланган усти юпқа расмда ғалати гуллар ва қушларнинг тасвири*” [1.102] тасвирлайди.

Асарда жаноб Рочестер уюштирган зиёфатда ҳам қуш рамзлари Жейн томонидан кенг талқин этилади. Жейн зиёфатга ташриф буюрган хонимларни кузатар экан: “*fluttering and waving plumes seems flock of white plummy birds- хилпираб турган рўмол ва жиға таққан хонимлар оқ уқпарли қушлар тўдасини эслатарди*” [1.163]. Жейн учун улар эркаклар олдида кўзга ташланмайдиган ҳамроҳлар эди. Бу хатто Ловуд қизлар мактабидаги жаноб Броклхўрст атрофидаги туяқуш уқпар ва жигаларини тақувчи хонимларида ҳам учрайди. Грек антологиясига кўра туяқуш ер юзадаги энг фаросатсиз жонзот сифатида ифода этилади.

Жаноб Рочестер таклифига кўра зиёфатга келган аёллар Жейн назарида бу хонимлар типи эгоист, кеккайган ва бўш тафаккур шахс типини намоён этади. Аёллар орасида Бланше Ингрэм хақиқий аристократ намунаси эди. Мафтункор Бланше чиройли сочлари ва кўриниши билан меҳмонлар орасидаги қора кузгунни эслатарди. Жейн айнан Бланшени “қора кузгун - *raven-black*” [1.151] деб атайди. Жаноб Рочестернинг қариндоши бўлган жаноб Мэйсонни эса кўриниши ва муомаласига қараб “кучли лочин – *fierce falcon*” [1.181] сифатида тасвирлайди. Кутилмаганда Жейнга Гейтсхеддан мактуб келиши натижасида унинг кузатишлари барҳам топади. Хатд унинг зудлик билан Гейтсхедга етиб бориши кераклиги ёзилганди. Торнфильдни тарк этар экан ўзини худди жаноб Рочестер айтганидек “*stray and stranger bird – ғалати қуш*” сифатида ҳис қилади. Жаноб Рочестер уни кузата туриб қайта ва қайта унга “*Jane be still don't struggle so like a wild bird – Жейн ёввойи қушга ўхшаб жанжал кўтарма*”. Жейн бунга жавобан “*I am not a bird. I am a free human being with an independent will – мен қуш эмасман. Мен озодлиги ўз қўлида бўлган инсонман*” [1.186] деб жавоб қайтаради. Жаноб Рочестер эса босиқлик билан ақл билан иш кўришни маслаҳат беради. Жейн ўз туйғуларини сўз билан ифодалар экан ҳар сафар Ловудда ўрганган қоидаларга риоя қилмасди. Ҳаттоки улар ўртасида бошланган муҳаббатни ҳам Жейн булбулнинг ёқимли сайрашини эшитганидан бошланганини таъкидлайди. Табиат ва қушлар Жейн тасвирларида кенг ўрин эгаллайди. Табиатнинг зийрак кузатувчиси бўлган Жейн қалбидаги нозик туйғуларни табиат билан уйғунликда ифодалайди. Жаноб Рочестер билан сайр қилар экан Жейн дарахтзорда маст бўлиб сайраётган булбул сайрашига мафтун бўлиб қолади. Уларни тинглаётган Жейн учун қушлар муҳаббат рамзлари эди. Ўзи эса уйсиз ва маконсиз қанотлари синган қушга ўхшарди ва ўзини айни дамда мана шундай ҳис қиларди.

## МУҲОКАМА

Шарлотта Бронте асарларида тасвирланган рамзлар бир қатор тадқиқотчилар томонидан очиб беришга ҳаракат қилинган. Жумладан, Ф.Э.Рэчфорднинг “Бронте: Болалик дунёси” деб номланган илмий асарида Жейннинг болалик дунёсини акс эттирган Гейтсхед ва миссис Рид оиласи, Адел, Берта ўртасидаги боғлиқлик ва бу риштани айнан Гейтсхед билан боғлайди. Гейтсхедда ўтказган болалиги оғир бўлганлигини ва атрофидаги одамлар унинг уйсиз эканлигини ва ҳеч қандай мерос эгаси эмаслигини таъкидлашдан чарчамайдиганлар эканлигини Жейн борлигича ифода этишга



ҳаракат қилади. Атрофидагиларни характерини ёритар экан, уларни совуқ ва бегона қолаверса меҳрдан бебаҳра эканлигини кўрстади. Р.Мартин эса жаноб Рочестер Торнфилд рамзи эканлигини очиб беришга уринади. Торнфилд қасри кўриниши ҳам Жейнда катта тассурот қолдиради. Табиат бағрида жойлашган Торнфилд хақиқий зодагон макони эди. Унинг салобати ва маҳобати унинг эгасида ҳам акс этарди. Жейн жаноб Рочестерни дастлаб ёввойи қуш бургутга ўхшатган бўлса, кейинчалик уни қора қарғага хос бўлган сифатлар мавжуд эканлигини таъкидлайди. Айниқса унинг Бланше Ингрэм билан суҳбатлашишини кўрганида янада ишонч билан тасвирлайди. Асар яқунларида эса аслзода яраланган бургутга қиёс этади. Кўзлари жароҳат олган бўлсада ҳамон унинг бургутга ўхшаб ўзини тутиши ва сўзлашларида ҳам сезилиб туришини кўртсатиб ўтади. Тадқиқотчи Б.Харди Жейннинг орзуларига кўпроқ урғу берди. Орзуни болалик, ўсмирлик ва балоғатга етган Жейн мисолида кўрсатиб беришга уринади. Дастлаб орзу Гетсхеддаги миссис Рид хоним уйдан бошланган бўлса, унинг ўсмирлик даври Ловуд мактаби ва унинг кадрдон дугонаси билан уйғунликда тасвирланади. Балоғатга етган Жейн орзуси Торнфилд қасри билан боғлиқ ҳолда таҳлил этилади. Инглиззабон тадқиқотчиларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики адибанинг ижоди ҳар сафар унинг биографиясидан бошланиб, унинг ҳаётидаги ҳар бир деталь асар ёзишида туртки бўлганлигини таъкидлайди.

Айтиш мумкинки, бугунги кунгача опа-сингил Бронтелар ижодини жуда кўплаб тадқиқотчилар ўрганганлиги сир эмас. Бу тадқиқотларнинг салмоғи ҳам каттадир. Олиб борилган тадқиқотларда мазкур адибаларнинг услублари ҳамда тилга оид мавзулар доирасида таҳлилга тортилган. XIX-XX аср инглиззабон мамлакатларда опа-сингил Бронтелар ижоди гендер аспекти асосида ўрганилган. Бундай тадқиқотлар П.Стоунмен, С.Борьюк, Л.Хинкли, Р.Чейз, Д.Донахьюлар томонидан олиб борилган.

Ж.Льюис “*Frazer’s Magazine*” журналида чоп этилган мақоласида Ш.Бронтега юқори баҳо бериб, уни “адабиётдаги янги сўз” деб атади. Шу билан бирга Англияда пайдо бўлган янги романга тавсиф беради. “Жейн Эйр” ҳақида шундай ёзади: “*we wept over Jane Eyre. This indeed is a book after own heart- биз “Жейн Эйр”ни ўқиб йиғладик. Бу юрак ҳақидаги асар*” [3,259]. Унинг фикрича муаллиф асосий урғуни ҳаёт ва унда яшовчи характерлар ва туйғуга беради. Ж. Льюис романда акс этган ижобий туйғу, ҳис-ҳаяжонга қолаверса сюжетга юқори баҳо беради. Роман жанрини эса танқидчи автобиографик асар деб ҳисоблайди. Танқидчи ижобий хусусиятлар билан бирга айрим

камчиликларни ҳам айтиб ўтади. Унинг фикрича романда жуда кўплаб мелодраматик элементлар, ҳақиқатга тўғри келмайдиган вазиятлар тасвирланган бўлиб, булар асар ҳақидаги умумий таассуротни бузади. Кюррер Беллинг табиатни, архитектуруни тасвирлаш маҳоратига алоҳида эътибор қаратади: “ *The writer is evidently painting by words a picture that she has in her mind- адиба суратни қандай тушунган бўлса, сўз билан шуни ифода этган*[3. 461]”.

Тадқиқотчи Л.Хинкли 1970 йилда Бронтелар биографиясини ёритган “The Brontes - Бронтелар” номли монографияни нашр эттиради. Мазкур монографияда муаллиф дастлаб Э.Гаскелл яратган Бронтелар биографиясига асосланади. Шу билан бирга муаллиф Шарлотта Бронтенинг “Ўқитувчи”, “Шерли”, “Вильетт”, “Жейн Эйр” ҳамда Э.Бронтенинг “Момақалдиروق довони” романларини таҳлилга тортган. Эътиборга молик тарафи шундаки Л.Хинкли адибалар томонидан яратилган асарларни таҳлил этишда қисқача асар мазмуни, ундаги персонажлар ва асар табиати ҳақидаги ўз мулоҳазаларни билдириб ўтади.

Д.Лож Шарлота Бронте ижодида аниқлаган мавзулардан бири аёл муаммосининг кенг талқин этилганлигидир. “Жейн Эйр” романи жамият учун долзарблик кас бэтди. Ундаги бош қаҳрамон Жейн ҳар томонлама кучли, мустақил, ўз кучи билан ютуққа эришиши ва бунинг учун курашишга тайёр эканлигини кўрсатади. Жейн жамиятда тенг бўлиш тарафдори бўлди. Кўплаб тадқиқотчилар таъкидлаб ўтганидек Л.Лож ҳам Ш.Бронтенинг пейзаж, табиат ва инсонларни тасвирлаш маҳоратига тўхталади.

## ХУЛОСА

Юқорида таъкидлаб ўтилган илмий изланишлар натижасига таяниб айтиш мумкинки, Шарлотта Бронте ижоди роман таҳлили ва биографик тарафдан кенг ўрганилганлиги аниқланади. Унинг ижодий меросида учта аспектни кўриш имконияти мавжуд. Биринчиси унинг авлоддан-авлодга ўтган истеъдоди ва ҳаёт таъсирида шаклланган дунёқарашдир. Иккинчиси эса Бронте ижодини ҳикоя қилиш услубини очиб беришга қаратилган ёндашув бўлса, учинчиси адиба ижоидида рамзларнинг кенг тақин этилишидир. Адибага тегишли романларда турли ҳикоя қилиш услублари ва унинг ижодий насрини тушуниш имкони мавжуддир.

Викториан даврининг анъанасига кўра ижод қилган адиба ўз доирасида кескин ихтилофни шакллантирарди. Э.Гаскелл бу ҳақда қуйидагича изоҳ

беради: “ўша даврдан бошлаб Шарлота Бронте параллел тарзда иккига яъни Каррер Бэлл ҳаёти ва Шарлотта Бронтенинг аёл сифатидаги фаолиятига бўлинди. Ҳар бирида алоҳида маъсулият юки бор эди. Каррер Бэлл бошқа адиблар сингари ижод билан шуғулланса, иккинчиси оила билан машғул бўлиши керак эди. Аёлнинг асосий иши унинг танлови асосида ҳал қилинмайди. У табиат ато этган вазифани бажариш маъсулияти билан оилани ташлаб қўёлмайди”. Викториа Англиянинг адабий доирасидагилар айнан Шарлотта Бронте романларини шахсий ҳаётни очиб берувчи гувернантка романлари жамиятга таъсир ўтказишини ва бу ижодни амалга ошириш имконияти мавжудлигини қайд этишган. XIX асрда дастлаб адиба ижодига Ж.Элиот, М.Арнольд, У.Батлер, Э.Троллоплар эътибор қилишган бўлса, Д.Г.Росетти, Ч.А.Суинерн, У.Пейтерлар романтик маҳорат Бронте ижодининг ўзига хос хусусиятига катта қизиқиш билдиришди.

XX асрда Шарота Бронте ижоди бўйича олиб борилган кўплаб тадқиқотларда “Бронтелэнд – Bronte - land” атамаси эътиборни тортади. Ўтган асрнинг ўрталаригача Бронтешунослик ўзида йирик илмий, танқидий, адабий ва монографик тадқиқотларни ўзида мужассам этди.

## REFERENCES

1. Bronte Ch. Jane Eyre. Boston: Houghton Mufflin Company, 1959.
2. Gaskell E. C. The Life of Charlotte Bronte. London, 1857. – P. 231.
3. Lewes G. H. Jane Eyre: an Autobiography. Recent Novels: French and English» // Fraser's Magazine, V. XXXVI, №CCXVI December, London 1847. -P. 690.
4. Куронов Д. Адабиётшунослик луғати. Тошкент: Академнашр. –Б. 245.
5. Shorter C. The Brontes and their circle. London, 1917, Woolf V. Jane Eyre and Wuthering heights. The Common Reader. London, 1925. P.196 – 204; Benson E. F. Charlotte Bronte. New York, 1932; Wise T. J. and Symington J. A. The Brontes: Their lives, friendship and correspondence. London, 1932; Wilson R. All Alone: The Life and Private History of Emily Jane Bronte. Kessinger Publishing, LLC, 2003.
6. The Brontes: A Collection of Critical Essays: Critics on Charlotte and Emily. ed. by I. Gregor. – New York, 1970.
7. Wright W. The Brontes in Ireland; or, Facts stranger than fiction. London, 1894.